

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди  
№ МО 10-62  
2020 йил**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта маҳсус таълим вазирининг  
2020 йил “7” декабрь даги  
648 - сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.**

**“Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш”**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЬАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишилари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини  
Мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
2020 йил 30-октябрдаги 6-сонли баённомаси билан маъқулланган.*

**Тузувчилар:**

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”  
модули: ю.ф.н., проф. В.Топилдиев, т.ф.н., доц. Б.Ш.Усмонов,  
т.ф.н., доц. Р.А.Хабибуллаев

“Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш” модули:  
и.ф.д., проф. Р.Нуримбетов, и.ф.д., проф. Ф.Назарова, п.ф.н.,  
доц. М.Дехканова

“Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш” модули:  
п.ф.д., проф. Н.Муслимов, катта ўқитувчи Р.Ишмухамедов

“Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”  
модули: п.ф.д., проф. Ф.Закирова, ф.-м.ф.н., доц. В.Каримова.

“Маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модули:  
катта ўқитувчилар Ф.Бойсариева, Н.Джабборова, С.Таджибаева,  
У.Гиясова, Ш.Файзуллаева.

“Мутахассислик фанлари” модули: доцент Х.Шодиев, т.ф.н.,  
доцент Т. Файзиев, катта ўқитувчи Б. Салайдинов.

**Тақризчилар:**

**Хорижий эксперт:** Боян Обренович - “Инноватус услуга” компанияси  
раҳбари, иқтисод фанлари доктори, (Россия).

А.Умаров - ЎзДСМИ “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил  
етиш ҳамда бошқариш” кафедраси профессори, с.ф.д.

Ўқув дастури Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Кенгашининг қарори  
билингва тасдиқлашадиган (2020 йил \_\_\_\_\_ даги - сонли баённома).

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанди 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли, 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6000-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3920-сон, 2018 йил 19 декабрдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ПҚ-4068-сон, 2020 йил 4 февральдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4584-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илгор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётта жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмuni Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг

замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, кўникума, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникума, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидаги модуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

#### **I. Педагогнинг профессионал фаолиятидаги инновациялар.**

- 1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.
- 1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.
- 1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.

#### **II. Педагогнинг ахборот ва коммуникатив компетентлигини ривожлантириш.**

- 2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.

- 2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.

#### **III. Мутахассислик фанлари.**

3.1. Маданият ва санъат соҳаси бошқарувининг меъёрий-хуқуқий асослари.

3.2. Маданий-оммавий тадбирларни ташкиллаштиришнинг замонавий методикаси.

3.3. Арт менежмент.

3.4. Маданият ва санъат соҳасида креатив тадбиркорлик.

#### **IV. Малакавий аттестация.**

#### **Курснинг мақсади ва вазифалари.**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларни

инновацион ёндошувлар асосида ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада лойиҳалаштириш, соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришдан иборат.

**Курснинг вазифаларига қўйидагилар киради:**

- “Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

-педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

-мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

-мутахассислик фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

-“Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

“Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Мутахассислик фанлари бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- маданият ва санъат соҳасининг замонавий концепцияларини;
- оммавий тадбирларни ташкиллаштиришнинг замонавий назариясини;
- арт менежментда замонавий инновацияларни ва хорижий тажрибаларни;

- рақамли технологияларнинг янги принципларидан фойдаланган ҳолда ташкил этишни;
- тадбиркорликни шакллантириш хусусиятларини;
- ижодий индустрияни мамлакат иқтисодини ривожлантиришдаги ролини;
- креатив тадбиркорлик концепциясини;
- санъат саройлари фаолиятини бошқаришни;
- сахна қўринишларини тайёрлаш усулларини;
- бошқаришнинг замонавий талабларини;
- креатив тадбиркорликнинг шаклланиш эволюциясини ***билиши*** керак.

**Тингловчи:**

- жамоат ташкилотлари фаолияти ва ижодий жамоаларини бошқариш;
- маданий дам олиш тадбирларини ташкил этишда ташкилотчилик қобилиятининг шакллантириш;
- оммавий тадбирларда сахна қўринишларини тайёрлаш;
- ҳорижий тажрибаларга асосланган илғор санъат ва маданият бошқарувини арт межежментда қўллаш;
- креатив тадбиркорлик тамойилларидан фойдаланиш ***кўникмаларига*** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- ҳаваскорлик ижодий жамоалари ва тўгараклари фаолиятни бошқаришни мақсадини белгилаш ва ташкилий режалаштириш;
- маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишда ташкилотчилик қобилиятининг шакллантириш ғояларини ишлаб чиқиш;
- иш юритишдаги янги принциплардан фойдалана олиш маҳоратини ошириш;
- маданият сиёсий иқтисодни санъат ва маданият муассасаларини замонавий арт менежмент талаблари асосида бошқариш;
- нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида иш юритишининг илғор, замонавий усулларидан фойдалана олиш;
- тадбирларда сахна қўринишларини тайёрлаш усулларини бошқариш ***малакаларига*** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- тадбирларда сахна қўринишларини концепциясини яратиш;
- рақамли технологияларнинг янги принципларидан фойдаланган ҳолда маданият ва санъат муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;

- креатив тадбиркорликни илғор педагогик ҳамда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш;
- маданият ва санъат соҳаси фаолиятини режалаштириш;
- маданий-оммавий ташкилотларининг стратегик бошқариш;
- арт менежментда рақамли технологияларнинг аниқлаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

## **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Бунда ўқув дастурининг 144 соат ҳажми ишдан ажralмаган ҳолда мустақил малака ошириш усуллари асосида, 144 соати тўғридан-тўғри (бевосита) малака ошириш шаклида ишдан ажраган ҳолда амалга оширилади. Малака оширишнинг бевосита шаклида бир ҳафтадаги ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми 36 соатни ташкил этади. Аттестациядан муваффакиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

## **“МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ МУАССАСАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА БОШҚАРИШ” ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКА ОШИРИШ КУРСИНИНГ ЎҚУВ МОДУЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ**

### **I. ПЕДАГОГНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР**

#### **1.1. Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш.**

Хорижий давлатлардаги кредит таълим тизимлари: Америка Қўшма Штатлари кредит тизими (USCS), Кредитларнинг тўплаш ва ўтказишнинг Британия тизим (CATS), Европа кредит тизими (ECTS), Университет кредитларини ўтказишнинг Осиё - тинч океани тизими (UCTS). Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг мустақил ишини режалаштириш ва ташкил қилиш. Кредит-модуль тизимида педагоглар фаолияти. Кредит-модуль тизимида ўқув жараёнининг услугубий таъминоти. Силлабус. Таълим натижалари (Блум таксономияси асосида). Билим даражалари. Таълим натижаларини баҳолаш усуллари.

Таълим соҳасини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари. Таълим соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни. Педагог ходимларнинг меҳнат муносабатларини тартибга солиш. Таълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва маънавий-маърифий асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий таълим тизимиға оид қабул қилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий таълим тизимиға тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари. Давлат таълим стандартлари, тегишли таълим (мутахассислик) йўналишлари бўйича давлат таълим стандарти, ўқув режалар ва фан дастурлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Ўқув режалари ва ўқув фанлари дастурларини такомиллаштириш тамоилилари. Ўқув юкламаларини режалаштириш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш методлари.

## **1.2. Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.**

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги ҳамда “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикасида илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг мақсади, вазифаси ва унинг методологик асослари. Илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш ва инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари. Илмий ишланмалар ва тижоратлаштириш обьектлари. Инновацион ишланмалар, давлат илмий-техник дастурлари, лойиҳалари, стартап-лоиҳаларни расмийлаштириш. Олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш.

Замонавий университетларда технологиялар ва лойиҳа бошқаруви. Фан, ихтирочилик ва технологиялар трансферини ривожлантириш ва инновацион фаолиятни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш.

Инфратузилма ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш. Таълим тизимини такомиллаштириш ва инсон капиталини ривожлантириш. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш. Профессор-ўқитувчиларнинг тадқиқотчи сифатида нашр фаоллигини ривожлантириш. Халқаро илмий-техник маълумотлар базалари ва уларнинг

тавсифлари. Илмий мақолаларга қўйилган талаблар, мақолани тайёрлаш, чоп эттириш тартиблари. Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини Scopus, ScienceDirect, Web of Sience тизимлари асосида такомиллаштириш.

### **1.3. Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш.**

Профессионал ўқитувчи шахси. Педагогнинг компетентлиги ва креативлиги. Педагогнинг касбий профессионаллиги ва уни инновацион фаолиятда намоён бўлиши. Касбий-педагогик тайёргарлик жараёнида таянч (soft skills), махсус (hard skills) компетенциялар мазмуни. Модулли-компетентли, интегратив, инновацион-креатив ёндашувлар. Таълим жараёнини лойиҳалаш ва моделлаштириш педагогнинг касбий профессионал ижодкорлигини ривожлантириш омили.

Ўқув машғулотларининг замонавий турларини (лойиҳа, аралаш таълим, виртуал лаборатория, дебат) ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Талабаларда танқидий, ўзини-ўзи (мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, фаол коммуникация ва жамоавий иш) ривожлантириш ва креатив фикрлашни шакллантириш усуслари (дизайн-фикрлаш, скампер ва х.қ.). Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг замонавий шакллари.

Steam-таълим (Science – аник фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) ва STREM-таълим (фан, технологиялар, робот техникаси, инженерия ва математика) хусусиятлари.

## **II. ПЕДАГОГНИНГ АХБОРОТ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.**

### **2.1. Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш.**

Рақамли технологиялар ва уларнинг дидактик имкониятлари. Таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида такомиллаштириш. «Электрон университет» ва унинг хусусиятлари.

Вебинар, онлайн маъруза, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга жорий этиш. Масофавий таълим платформалари ва улардан фойдаланиб, таълим жараёнларини ташкил этиш.

Таълим жараёнларида «булутли технологиялар»дан фойдаланиш. Булутли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини такомиллаштириш.

Мультимедиали интерактив ўқув-услубий қўлланмаларни ва электрон таълим ресурсларини яратиш, улардан таълим тизимида фойдаланиш. QR-код ва ундан фойдаланиш.

Педагогик фаолиятда интерактив инфографика воситаларидан фойдаланиш.

## **2.2. Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили.**

Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили (English for Specific Purposes) – касб соҳасидан келиб чиқиб инглиз тилини ўргатиш. Касб соҳа вакиллари томонидан минимал грамматика (Present Indefinite Tense, Present Continuous Tense, Past Indefinite Tense, Future Indefinite Tense) ҳамда соҳага оид фаол сўзларни (минимал 400) ёддан билиши. Грамматика ва лексикани коммуникатив мақсадларда ўргатишга замонавий ёндашув. Инглиз тилида аутентик вазиятларни таҳлил қилиш. Тингловчиларда аутентик вазиятларга оид: e-mail ёзиш, сўзлашиш (илмий йўналиши ҳақида), тушуниш (жараённи тинглаб тушуниш) ва ўқиб тушуниш (газета ва журналлардаги касб соҳасига оид мақолани ўқиши) кўникмаларини ривожлантириш.

Соҳага йўналтирилган мавзуларда тил кўникмаларини ривожлантириш, мутахассислик фанларини хорижий тилда ўқитиши лойиҳалаштириш. Илмий тадқиқотларга йўналтирилган тил кўникмаларини ўзлаштириш, илмий матнларнинг резюмесини тайёрлаш, хорижий адабиётлар билан ишлаш. Хорижий мутахассислар билан мулоқот стереотиплари. Электрон хатлар ёзиш, хорижий тилда тақдимотлар тайёрлаш.

Кундалик ва ижтимоий ҳаётга оид мавзулар: Шахс ва шахсият. Озиқовқат. Сиҳат-саломатлик. Оилавий қадриятлар. Шаҳар ва қишлоқ ҳаёти. Дам олиш ва спорт билан шуғулланиш. Касб-хунар ва ишбилармонлик. Оммавий ахборот. Муносабатлар. Тиббиёт, илм-фан, замонавий технологиялар соҳасидаги этика масалалари.

Резюме тўлдириш, маданий ҳордиқ, телефонда сухбат. Саёҳат ва туризм, транспорт соҳаси, бизнес фаолият, кашфиётлар, санъат, фан, таълим ва технология соҳаси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Соҳага оид даврнинг энг долзарб муаммоларини ўрганиш, муҳокама ва таҳлил қилиш.

## **III. МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИ**

### **3.1. Маданият ва санъат соҳаси бошқарувининг меъёрий-хуқуқий асослари.**

Маданият ва санъат соҳаси ривожланиш тарихи ва замонавий концепциялари. Ўзбекистонда маданият ва санъат муассасаларини бошқариш сиёсати ва тизими. Бошқарув ва менежмент. Маданият ва аҳоли

дам олиш марказларининг бошқарув тизими. Театрлар фаолиятини ташкил этиши ва бошқариш. Маданият ва истироҳат боғлари фаолиятини бошқариш. Музейлар ва кўргазма заллари фаолиятни ташкиллаштириш. Маданият ва санъат саройлари фаолиятини бошқариш. Концерт ташкилотлари ва бадиий жамоалари фаолиятини бошқариш. Ҳаваскорлик ижодий жамоалари ва тўгараклари фаолиятни бошқариш. Нодавлат ва жамоат ташкилотлари фаолияти ва ижодий жамоаларини бошқариш. Бошқарувнинг моҳияти ва тизими. Бошқарув усуллари. Маданият ва санъат соҳасини бошқариш характери. Бошқарув жараёни ва вазифалари. Маданият ва санъат соҳаси фаолиятини режалаштириш ва ташкил этиши.

### **3.2. Маданий-оммавий тадбирларни ташкиллаштиришнинг замонавий методикаси.**

Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларда маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишнинг аҳамияти. Илғор хорижий давлатларнинг турдош олий таълим муассасаларида амалга оширилаётган маданий – оммавий тадбирларни ташкиллаштиришнинг замонавий назарияси ва амалиётини таълим тизимига тадбиқ этиши. Маданий дам олиш тадбирларини ташкил этишнинг ўзига хослиги. Маданий-оммавий тадбирларни ташкил этишда ташкилотчилик қобилиягининг шакллантириш тамойиллари. Маданий-оммавий тадбирлар – инсонлар бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган фаолият. Педагогик аспект тушунчаси. Тарбиявий тадбирлар. Тарбиявий жараёнлар. Маданий-оммавий тадбирлар - тарбия воситаси сифатида. Маданий-оммавий тадбирларда педагогик жараёнлар. Тадбирларда саҳна кўринишларини тайёрлаш усуллари. Маданий-оммавий тадбирлар сценарийси, режиссураси ва ташкилий жараёни. Майдонларда тадбирларни ўтказиш методикаси.

### **3.3. Арт менежмент.**

Арт менежмент модулига қўйилган замонавий талаблар. Арт менежментда замонавий инновацияларни ва хорижий тажрибаларни қўллаш. Креатив ва арт индустриянинг ўзига хослиги. Арт менежернинг касбий маҳорати. Менежмент функцияларидағи концептуал кўникмаларни шакллантириш. Арт менежментда рақамли технологияларнинг ўрни. Арт менежмент модули бўйича замонавий ўкув адабиётларини яратиш. Хорижий тажрибаларга асосланган илғор санъат ва маданият бошқарувини арт межежментда қўллаш. Иш юритишдаги янги принциплардан фойдалана олиш маҳорати. Арт менежментда ахборот - коммуникация воситаларидан

фойдаланиш. Шахслараро ва ташкилий коммуникацияларнинг ўзаро боғлиқлиги. Арт менежментда инсон омили. Персоналнинг бошқаришнинг замонавий талаблари. Арт менежментда рақамли технологияларнинг янги принципларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш. Арт менежментга оид илмий - тадқиқот ишларини олиб боришни йўлга қўйиш.

### **3.4. Маданият ва санъат соҳасида креатив тадбиркорлик.**

Креатив тадбиркорликнинг мазмуни ва босқичлари. Маданият ва санъат соҳасида креатив тадбиркорликни жорий этиш услублари. Ижод индустрияси иқтисоди. Креатив тадбиркорликни шакллантириш хусусиятлари. Креатив тадбиркорликнинг асосий йўналишлари ва стратегияси. Ўзбекистонда креатив тадбиркорлик фаолияти ва уни халқаро фаолият билан ҳамкорлик муносабатлари. Ижодий индустрияни мамлакат иқтисодини ривожлантиришдаги роли. Креатив кучсиз тадбиркорлик жараёни ва унинг дастаклари. Ижодий индустрияни ривожлантиришнинг Европа давлатлари тажрибаси. Креатив тадбиркорлик тамойиллари: ишлатиш бирлиги, ресурсларни янгилаш, хаёт цикллари даврини ҳисоби, афзал томонларни аниқлаш, муассаса ёки ташкилот қийматини ошириш. Креатив тадбиркорлик концепцияси. Маданият сиёсий иқтисоди. Ижодни аккумуляция инструменти. Ҳунармандлик ижоди. Креатив тадбиркорликнинг шаклланиш эволюцияси. Креатив тадбиркорликнинг асосий турлари. Креатив класснинг кучсиз ижтимоий боғлиқликлари: креатив класснинг ижтимоий портрети.

## **IV. Малакавий аттестация**

Тингловчиларнинг малакавий аттестацияси касбий, ўқув-методик ва илмий-методик фаолияти натижалари (электрон портфолиода қайд этилган кўрсаткичлари), курсни тамомлагандан кейинги онлайн тест синовлари ҳамда Аттестация комиссиясида битирув ишини ҳимоя қилиш асосида ўтказилади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар.**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил

холда ўкув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

## **Мустақил малака оширишни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Мустақил малака ошириш қуйидаги шаклларни ўз ичига олади: очик ўкув машғулотлари ва маҳорат дарсларини ташкил этиш; иқтидорли ва истеъдодли талабалар билан ишлаш; илмий конференцияларда маъруза билан қатнашиш; илмий журналларда мақолалар чоп этиш; кўргазма ва танловларда иштирок этиш; илмий лойиҳаларда иштирок этиш; халқаро (импакт-факторли) нашрларда мақолалар эълон қилиш; ихтиро (патент), рационализаторлик таклифлари, инновацион ишланмаларга муаллифлик қилиш; монография, муаллифлик ижодий ишлар каталогини тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; ўкув адабиётлари (дарслик, ўкув қўлланма, методик қўлланма)ни тайёрлаш ва нашрдан чиқариш; фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертацияга илмий раҳбарлик қилиш.

Педагог кадрларнинг мустақил малака ошириш натижалари электрон портфолио тизимида ўз аксини топади.

Мустақил малака ошириш даврида педагоглар асосий иш жойи бўйича педагогик амалиётдан ўтадилар. Педагогик амалиёт даврида педагог асосий иш жойи бўйича кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларини 2 та дарсини кузатадилар ва таҳлил қиласидилар ҳамда кафедра аъзолари иштирокида талабалар групҳи учун 1 та очик дарс ўтказадилар. Очик дарс таҳлили ҳамда педагог томонидан кузатилган дарслар хуносалари кафедранинг йиғилишида муҳокама этилади ва тегишли кафедранинг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Шунингдек, мустақил малака ошириш жараёнида тингловчи қўйидаги билим ва қўникмаларини ривожлантириши лозим:

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялашни ташкил этиш, кадрлар буюртмачилари ва меҳнат бозори эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўкув режалари ва фанлар дастурларини шакллантириш;
- ўкув машғулотларининг ҳар хил турлари (маърузалар, амалий машғулотлар, лаборатория машғулотлари, курс ишлари лойиҳалари, малака бўйича амалий машғулотлар)ни ташкиллаштириш;
- талабалар ўртасида миллий мустақиллик ғоялари асосида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни олиб бориш, таълим жараёни қатнашчилари билан ўзаро муносабатларда этика нормалари ва нутқ маданияти, талабаларнинг билим ва қўникмаларини назорат қилишни ташкил этиш ва

илмий-методик таъминлаш, иқтидорли талабаларни қидириб топиш, танлаш ва улар билан ишлаш методларини билиш ва амалда қўллаш;

– олий таълимда менежмент ва маркетинг асосларини билиш ва амалий фаолиятга татбиқ этиш.

мустакил таълим олиш йўли билан ўз билимларини такомиллаштириш.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти.**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3920-сон Қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 декабрдаги “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги ПҚ-4068-сон Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 февральдаги “Миллий рақс санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4584-сон Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь

“2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сонли Фармони.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.

19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

21. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю. и др. Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. — Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. — 318 с.  
<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

22. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.

23. Бекмуродов М.Б., Умаров А.А. Ижтимоий маданий фаолият тарихи, назарияси ва амалиёти. Т.: Фофор Гулом номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи, 2015.-315б.

24. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. — Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

25. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик кўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

26. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
27. Исмадиев Я. Олий педагогик таълим тизимида инновацион менежментни шакллантириш механизмларини такомиллаштириш. Дисс автореферати. –Т., 2018.
28. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
29. Маннолов С. Ижтимоий-маданий фаолиятда сценарийчилик. Услубий қўлланма. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2018.
30. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
31. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ ; – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с. [http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0\\_2017.pdf](http://elar.urfu.ru/bitstream/10995/54216/1/978-5-9544-0083-0_2017.pdf)
32. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3.\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3._UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)
33. Раҳимова Д.Н. Инқизотга қарши бошқарув. Ўқув қўлланма. –Т.; Фафур Ғулом номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи, 2018.
34. Саматов F.A. Лойиҳаларни молиялаштириш. Монография. –Т.; “Иқтисод молия”, 2018.
35. Тожибоев К. Менежмент асослари. Ўқув қўлланма. – Наманган, 2015.
36. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
37. Холов А.Х. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларида бошқарув қарорлари қабул қилиш механизмини такомиллаштириш. Дисс автореферати. –Т., 2018.
38. Хайдаров А.Х. Маданият ва санъат соҳасини бошқариш асослари. - Т. Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016.
39. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. –Т.; “Янги аср авлоди” 2012.
40. Andrew Paquette. An Introduction to Computer Graphics for Artists.- Springer Publishing Company, Incorporated, USA 2013.
41. Carla Stalling Walter. Arts Management: an entrepreneurial approach. USA. Routledge. 2015. 459 p.
42. David Spencer “Gateway”, Students book, Macmillan 2012.
43. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.

44. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
45. Martina Freytag. “Chorleitung- effizient und lebensnah”. Gustav Boss Verlag. Кассел, Германия, 2011.
46. Mitchell. H.Q., Marilena Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
47. Mitchell. H.Q. “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183
48. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.

#### **IV. Интернет сайтлар**

49. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.
50. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
51. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази.
52. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET.
53. <http://www.dsni.uz>.
54. <http://www.kino-teatr.ru> – Все материалы по кино и театра.
55. <http://www.artsait.ru> – Энциклопедия русской живописи.
56. <http://belcanto.ru/> – Сайт об опере и балете.
57. <http://music.edu.ru/catalog> – Сайт музыки.
58. <http://artyx.ru/> – Всеобщая история искусств.

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош илмий-методик маркази  
Директор \_\_\_\_\_ Т.Т.Шоймардонов  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ў.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини  
оширишни ташкил этиш хамда  
мувофиқлаштириш бошқармаси  
Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ Ф.Т.Эсанбобоев  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.

М.Ў.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият  
институти  
Ректор \_\_\_\_\_ И.Ж.Юлдашев  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги  
“Таълим муассасалари ва соҳани методологик  
таъминлаш” бошқармаси  
Бошқарма бошлиғи \_\_\_\_\_ С.Х.Мадиев  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ў

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият  
институти хузуридаги Педагог  
кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини ошириш Тармоқ маркази  
Директор \_\_\_\_\_ Т.Р.Файзиев  
“\_\_\_\_\_” 2020 й.  
М.Ў.